

ЗАРАФШОН-ОЛОЙ КАМАРИ ТЕКТНИКАСИ ВА НЕФТГАЗЛИЛИГИ.

Бўриев Сардор Сайфуллаевич ҚДТУ

“Геология ва кончилик иши”

кафедраси асисстинти.

Телефон: +998914551011, burievsardor92@gmail.com

Annotatsiya: Зарафшон-олой камари Бухоро-Хева нефтгазли вилояти жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у Турон платформасининг Амударё кўтарилмаси таркибига киради. Бунда Амударё кўтарилмаси Турон плитасининг анча йирик тузилмаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Терриген, интрузив, рифоген, формация, гамма, риф, лотерал, Биоморф, гумбаз, дипрецион.

ZARAFSHAN - FIRE BELT TECTONICS AND OILGAZINESS.

Annotation: The Zarafshan-oloy belt is located in the southeastern part of the Bukhara-Kheva neftgazli region, which is part of the Amudaryo uplift of the Turon platform. In this, the amudario rise serves as one of the much larger structures of the Turón plate.

Keywords: Terrigen, intrusive, reef, formation, gamma, reef, lotheral, Biomorph, gumbase, dipretion.

Зарафшон-олой камари ғарбдан Марказий Қорақум гумбази билан, шарқдан Қизилқум дўнгликлари системаси, Хисор ва Зарафшон тоғ тизмалари билан чегараланган, шимолий-ғарбга қараб 800 км ва 400 км кенгликка эгадир. Кўтарилма қуйидаги тузилма элементларига ажралади: шимолда—Бухоро тектоник зинаси, жанубда—Чоржуй зинаси ва энг жанубда—Багажин

зиналарига ажралади. Улр узаро флексурали-узилма зоналари билан ажралиб туради.

В.В.Рубо ва С.Х.Ситдиқовалар тузган Бухоро-Хева нефтгазли вилоятини районлаштириш тектоник схемасига кўра, ўрганилаётган майдон Бешкент ботиқлиги марказий қисмида жойлашган бўлиб, у ўз ичига шарқий қисмда Чуқур синклинали ва унга периферик томондан Жомбулоқ, Ғузор, Жилин гемивалларини бирлаштиради.

Бешкент ботиқлиги Чоржуй зинасининг жанубий-шарқий тугашида ва Хисор жанубий-ғарбий области билан чегараланади. Бу ботиқлик шимоли-шарқий йўналишда 120 км ва 80 км кенгликка эгадир. Шимол ва жануби-шарқий томондан Бешкент ботиқлигини Учбош-Қарши флексурали-узилма зонаси жануби-ғарбий томондан Хисор тоғ тизмалари, қайсики Бешкент ботиқлиги билан Кораил-Лангар флексурали-узилма зонаси боғлаб туради. Жануби-ғарбий томондан ботиқлик Амударё флексурали-узилма зонаси билан чегараланади.

Айни пайтда Бешкент ботиқлиги платформали тузилма бўлиб, флексурали-узилма зоналари орасига тушиб қолгандир.

Тузилмали планга кўра, Бешкент ботиқлиги бошқа Чоржуй зинаси вилоятдан фарқли тарзда перм-триас ва куйи-ўрта юра ёшига мансуб ётқизиклари қалинлигини аномал ошиши кузатилади.

Бешкент ботиқлиги чегараларида юра ёшига мансуб ётқизиклари устки қисмига мансуб бир қанча ижобий тузилма элементлари ажратилган бўлиб, улар локал Алоутдин кўтарилмаси, Нишон ва Гирсан валлари, Айзоват, Жомбулоқ, Жилин, Ғузор, Бузахур гемивалларига бирлашгандир.

Жомбулоқ гемивали Бешкент ботиқлиги шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у Учбош-Қарши флексурали-узилма билан қўшилиб кетган.

Бешкент ботиклигининг жануби-шарқий қисмида Ғузор гемивали ажратилган бўлиб, у Кораил-Лангар флексурали-узилма зонасигача етиб боради ва бу гемивалда бир қанча йирик Гармистон, Ғузор, Шимолий Ғузор, Янги Ғузор, Чаноқ ва бошқа тузилмалар аниқланган.

Бешкент ботиклигини шимолий-шарқий қисмида Жилин гемивали ажратилган ва у шимолдан Учбош-Қарши флексурали-узилма зонаси билан, шарқдан Кораил-Лангар флексурали-узилма зонаси билан чегараланган. Ўз навбатида Жилин гемивалида Жилин, Жанубий Жилин, Учбой, Жилимчи каби тузилмалар аниқланган.

Бешкент ботиклигини энг характерли жихати юқори юра хемоген формациясининг тузли қоплам шакллануви ва туз ости ётқизикларида юқори аномал қийматли АВПД нинг кузатилишидир. Бу эса фақат карбонат формациясидан ташқари терриген туз ости юра ётқизикларида яхши коллектор хусусияти сақланганидан далолат беради. Шундай қилиб, Бешкент ботиклиги жануби-ғарбий Ўзбекистонда юқори истиқболли регионал тузилма ҳисобланади.

Бешкент ботиклиги кирувчи Чоржуй поғанасининг жанубий-шарқий қисми ҳозирги вақтда янги нефт ва газ конларини қидириш мақсадида самарали геологик-геофизик ишлар объекти ҳисобланади. Бу ердаги юқори юра карбонат ва қўйи, ўрта юра терриген ётқизиклари саноат аҳамиятига эга истиқболли ҳисобланади. Бу ерда тузилмаси – литологик типдаги массив уюмлар кенг тақалган. Улар оксфорд-кимериж рифоген оҳактошларида аниқланган ва фильтрацион хоссасига ҳамда юқори ғоваклилиги билан фарқланади.

Заҳиралар миқдори ва қопқоқлар тузилиши даражаси бўйича – ёлғиз рифлар биринчи турдаги конлар қаторига киради. Улардан юқори – аномал қатлам босими қайд қилинган. Оқим бу ерда суткасига ўртача 1,0 млн. м³ газ ва 100,0 т нефтни ташкил этади.

Иккинчи типли кон Шимолий Шўртан, Шакарбулоқ тўсиқли риф шароитида жойлашган конлардир. Захираининг ўртача миқдори бу ерда биринчи типли конга нисбатан 2-5 марта кам. Бу конлар аномал – юқори қатлам босими йўқ. Бу турдаги барча конлар коллекторларнинг барча қисми сувлангандир.

Конларнинг учинчи тури ички риф массиви ва тўсиқли риф тизимининг тана қисмидаги литологик чегараланган қопқоқлар билан боғлиқ (Чегара, Гавана, Джебе, Арнияз ва Шода). Бу ерда аномал юқори қатламли босим йўқ, уюм баландлиги 50-80 м дан ошмайди, айрим ҳолларда газ уюмининг қўйи қисмида нефт учраб туради, кам ҳаракатланувчи ишқорли нефтлар ҳам мавжуд. Углеводородлар оқими суткасига газларда 100 минг м³ ва нефтларда 15-50 т. Заҳира миқдори унча катта эмас.

Коннинг тўртинчи тури биогерм типли локал кўринишдаги литологик-экранлашган уюм билан боғлиқ (Култак, Гирсан, Жанубий Алан ва бошқалар). Бу ердаги қўйи ангидридларда юқори гамма кўрсаткичли қатлам ажралади, қўйида эса ўтказгичли органиген оҳактошлар ётади. Ҳама жойда аномал – юқори қатлам босими кўзатилади. Газ оқими Гирсан – 3 (949,2 минг м³/с) ва Ғарбий Алан – 1 (158,0 минг м³/с) қудуқларидан олинган.

Коннинг бешинчи тури ўрганилаётган майдонда аниқланилган ва терриген юра XVIII горизонтининг линза кўринишли йирик заррали ўтказувчан қумтошлари билан боғлиқ. Улар ўзаро алоқадор бўлган қатлам-гумбазли ва литологик типли коллекторлар кўринишига эга.

Танасида ва литологик экранда 90-100 м қалинликдаги, орасида айрим ҳолларда оҳактошлар учрайдиган гил қатлами мавжуд. Линза кўринишидаги коллекторларнинг қалинлиги 10-20 м.

Шу сабабли маҳсулдор қатламлар тулиқ кесими, қопқоқлар генетик турларининг ривожланиши, ҳудудда бир хил ёшдаги ётқизиклар тупланишининг фациал шароити ва бошқа кўпгина сабаблар ўрганилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хамрабаев И.Х., Ражабв Ф.Ш. Основк петрография // Укитувчи, 1964.
2. Егоров П.Ф., Волкова З.В. Отчет о результатах детальных поисков месторождений вольфрама в Ходжадыкском рудном поле и на участках Восточный Камангаран и Катаган. Отчет Гарданской ГПП за 1980-83 г.г.
3. Егоров П.Ф., Стрыгин В.П. Отчет о результатах детальных поисков в пределах Джамскогоскарного поля (в западном окончании гор Каратюбе на участках Кызылбаш, Аткамар, Сазаган) и поисково-оценочных работ на рудопроявлении Ходжадык. Отчет Джамской ГПП за 1976-80 г.г.
4. Румянцев Е.А. и др. Геологический отчет о результатах поисковых и поисково-разведочных работ на вольфрам в горах Чакыл-Калян и предварительной разведки северо-восточной части месторождения Яхтон в 1968-71г.г.
5. Bo'riev.S.S. "G'arbiy o'zbekistonda terrigen yura yotqiziqlarining gazlilik istiqbollari". *Journal of new century innovations* 38.1 <https://newjournal.org/new/article/view/8897> (2023): 93-96.
6. Bo'riev.S.S. "Qatlamni Gidravlik Yorish (Qgy) ni amalga oshirishda qo'llaniladigan agregatlarning bog'lanmasi". *International conferences*. Vol. 1. No. 1. 2023.
7. Bo'riev.S.S. "Kon sharoitida qatlam gidravlik yorilgandan keyin quduqda yuvish ishlarinini amalga oshirish bo'yicha ko'rsatmalar". *Educational Research in Universal Sciences* 2.4 (2023): 582-585.
8. Bo'riev.S.S. "Gaz ajratgichning ish prinsipi va tuzilishini o'rganish." *Образование наука и инновационные идеи в мире* 34.3 <https://newjournal.org/01/article/view/9782> (2023): 163-168.
9. Bo'riev.S.S, Raufov M. M. "Qatlamni sinab ko'rish usullari. qatlamni to'g'ridan-to'g'ri sinab ko'rish usullari. ximoya tizmasi orqali sinash." *Образование наука и инновационные идеи в мире* 34.3 <https://newjournal.org/01/article/view/9783> (2023): 169-173.

10. Bo'riev.S.S. "Quduq tubi dvigatellari yordamida burg'ilashda quduqni sirkulyatsion tizimidagi bosim yo'qotilishini hisoblash". *Образование наука и инновационные идеи в мире* 34.3 <https://newjournal.org/01/article/view/9784> (2023): 174-178.
11. Bo'riev.S.S. "Kon shroitida qo'llaniladigan qatlamni gidravlik yorish texnikalari va texnologiyalarini qo'llanilish tahlili." *Educational Research in Universal Sciences* 2.1 (2023): 54-58.
12. Bo'riev.S.S. "Qatlamni gidravlik yorishda qo'llaniladigan eritmalar turini asoslash". *Journal of new century innovations* 11.1 <https://newjournal.org/new/article/view/1321> (2022): 69-75.
13. Bo'riev.S.S. Eshturdiyev T. D.(2024). "Zarafshon-oloy kamari nodir va kamyob metallar ma'danlashuvining metollogeniyasi". *Educational Research in Universal Sciences*, 3(11), <https://researchweb.uz/index.php/erus/article/view/15> 40-44.